

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

У С Т А В И

(ЯНГИ ТАҲРИРДА)

Тошкент - 2016

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Миллий университети 1918 йилнинг 12 майида жадид зиёллари томонидан ҳалқ дорилфунуни сифатида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 январдаги ПФ 2532-сонли Фармонига биноан унга “Ўзбекистон Миллий университети” мақоми берилган ва **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети** деб номланган. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат департаменти Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан 2002 йил 15 ноябр 00-0316-15, FNN№ 051473 рақам билан юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўtkазилган. (Гувоҳнома № 000454 21.09.2004 йил).

2. Ўзбекистон Миллий университети давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ўкув-педагогик, илмий, илмий-методик ҳамда бошқа таълим фаолиятини амалга оширади ва хизматлар кўрсатади.

3. Ўзбекистон Миллий университети ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хуқуқий хужжатлари ва мазкур Уставга амал қиласди.

4. Ўзбекистон Миллий университети юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос маҳсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиш ва мулкий ҳамда номулкий хуқуқларни амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампга, рамзга, байроғига ва қонун хужжатларига мувофиқ ўзининг фаолияти учун зарур бўлган бошқа хизмат белгилари ва реквизитларга эга.

5. Миллий университетнинг давлат, рус ва инглиз тилларидаги расмий тўлиқ номи: **Ўзбекистон Миллий университети, Национальный университет Узбекистана, National University of Uzbekistan**. Ўзбекистон Миллий университетининг қисқартирилган расмий номи давлат тилида ЎзМУ (кейинги ўринларда матнда ЎзМУ деб юритилади), рус тилида НУУз, инглиз тилида NUUZ.

6. ЎзМУ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим

вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради.

7. ЎзМУнинг жойлашган жойи:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй

Индекс: 100174, телефон: 246-02-24

II. Ўзбекистон Миллий университетининг асосий вазифалари

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 11 майдаги йил ПҚ-2527-сонли Қарорига мувофиқ ЎзМУнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

фундаментал ва гуманитар фанлар соҳасида юқори малакали ўқитувчи ва илмий кадрларни замонавий талаблар даражасида тайёрлаш, республиканинг базавий университети сифатида олий таълимнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни таъминлаш;

фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказиш, илм-фаннинг истиқболли, юқори технологияли йўналишлари бўйича мамлакатимиз илмий мактабларини ривожлантириш, илм-фан ва олий таълим соҳаларида етакчи хорижий университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш;

мамлакат олий таълим муассасаларининг таълим-тарбия, илмий-услубий ва маданий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш, узлуксиз таълим тизими босқичларининг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш;

олий таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини эътироф этилган халқаро талаблар ва стандартлар даражасида такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 11 май ПП-2527-сон Қарорига мувофиқ Миллий университет республиканинг математика, табиий-илмий ва гуманитар йўналишлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш соҳасидаги таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

III. Ўкув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

a). Талабалар:

9. ЎзМУ ректорининг буйруғи билан ўқишига қабул қилинган шахс ЎзМУнинг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

ЎзМУга қабул қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қарорига мувофиқ тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига қабул барча учун (ҳам грант, ҳам тўлов-

контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш амалга оширилади.

10. ЎзМУнинг талабалари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

олий таълим муассасаси ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олиш;

аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф- мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдириш ва уларнинг кўриб чиқилишини талаб қилиш;

университет ва факультет миқёсида ўtkaziladigan оmmavij тадбирларда иштирок этиш;

илмий тадқиқот ишларининг барча турларида, конференциялар, симпозиумларда иштирок этиш, ўз илмий ишларини нашрга, шу жумладан, ЎзМУ нашрларига ҳам тақдим этиш;

университетда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш;

ЎзМУ нинг муҳим масалаларини мухокама этиш ва ҳал қилишда, шу жумладан, жамоат ташкилотлари ҳамда олий таълим муассасасини бошқариш органлари орқали қатнашиш;

танланган йўналиш (мутахассислик) бўйича ўтиладиган фанлардан ташқари, ЎзМУда ўқитиладиган бошқа фанларни ўз хоҳишига кўра шартнома асосида ўзлаштириш;

ЎзМУ маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш.

Шунингдек талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган йўналиши бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб этишиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳуқуқларини сусистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

11. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган

тартиб ва микдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талабалар тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улугбек номидаги Давлат стипендиялари, шунингдек ЎзМУ стипендияси ҳамда юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш хуқуқига эгадирлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 4 сентябрда 2138-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги Низомнинг 1-бандига асосан ЎзМУ талабаларига ҳарбий хизматни ўташ учун, саломатлигини тиклаш учун, ҳомиладорлик ва туғиш учун, болаларни парвариш қилиш учун академик таътил берилиши мумкин.

Талабаларга ўқиш давомида икки марта академик таътил берилиши мумкин.

Биринчи курс талабаларига академик таътил, истисно тариқасида, фақат уларнинг касаллиги туфайли берилиши мумкин.

13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга олий таълим муассасасида ўқиётган вақти давомида қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиқтириш имкони берилади.

14. Тураг жойга муҳтож талабалар (биринчи навбатда чин етим, ота ёки онасини (бокувчисини) йўқотган, тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган ва моддий томонидан қийналаётган талабалар) ЎзМУнинг талабалар тураг жойларидан санитария меъёrlари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар тураг жойларида талабаларга коммунал-маиший хизматлар учун тўловлар ЎзМУ томонидан белгиланади ва талабалар билан тегишли шартномалар тузилади.

Тураг жойга муҳтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, олий таълим муассасасининг талабалар тураг жойлари майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишуввлар)га рухсат этилмайди.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга ўқишидан бўш вақтларида ЎзМУнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлашга рухсат этилади.

15. ЎзМУдан ўз ҳоҳиши билан ёки узрли сабабларга кўра четлаштирилган талаба, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мҳкамаси томонидан белгиланган талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишидан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишига тикланиш хуқуқига эга.

ЎзМУнинг талабалари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига ўқишлиарини кўчириш хуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўкув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талабаларни ЎзМУга

ўқишини кўчириш (ўқишга тиклаш) мумкин эмас.

16. ЎзМУнинг талабаларига қуидаги мажбуриятлар юклатилади:

таълим жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига, жамиятнинг аҳлоқий принципларига, маънавий қадриятларга, ЎзМУнинг Устави, Ички-меҳнат тартиб қоидалари, Одоб-аҳлоқ қоидалари ва талабалар тураг жойлари қоидаларига қатъий риоя қилиш;

олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўкув режасида назарда тутилган билимларни эгаллаш;

ўкув машғулотларини узрли сабабларсиз қолдирмаслик, дарсга кеч қолиб келмаслик;

таълим жараёнида, шу жумладан ўкув дастурларида белгиланган вазифаларни ва топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда ва сифатли бажариш;

ўз курсдошлари, талабалар, педагоглар ва бошқа ходимлар билан хушмуомалада бўлиш;

кийиниш маданиятига риоя қилиш, диний ибодат кийимларида юрмаслик. Ташқи кўриниши ва ёмон ҳулқ-автори билан бошқалардан ажралиб турмаслик, ахлоқ-одоб нормаларига сўзсиз бўйсуниш.

Муассаса худудида қуидагилар таъқиқланади:

диний мазмундаги ёзма ёки электрон воситалардаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш;

миллий, ирқий, диний адватни тарғиб қилувчи ҳар қандай шаклдаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш, тарғиб қилиш;

терроризмнинг ҳар қандай кўринишига эга ножӯя ҳаракатларни ва бошқа турдаги хукуқбузарликларни содир этиш;

университет бинолари ва худудидаги моддий-техник ва бошқа мулкларга зарар етказиш;

ўқиши вақтида ЎзМУ маъмурияти ва ОЎМТВ рухсатисиз чет эл давлатларига бориш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

17. Ушбу Устав ва ЎзМУнинг Ички-меҳнат тартиб ва Одоб-аҳлоқ қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган тақдирда талабага нисбатан қуидаги интизомий чора ва жазо чоралари қўлланилади: огоҳлантириш, ҳайфсан эълон қилиш, талабалар сафидан четлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини қўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби” тўғрисидаги Низомнинг 4-бандига мувофиқ талаба қуидаги ҳолларда талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин:

а) ўз хоҳишига биноан;

б) ўқишининг бошқа таълим муссасасига қўчирилиши муносабати билан;

- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;
- д) ўкув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-коидаларини бузганлиги учун;
- е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- ё) ўқиш учун белгиланган тўлов амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- з) вафот этганлиги сабабли.

ЎзМУ маъмурияти ташаббуси билан талабаларни ўқишдан четлаштириш талabalар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур қоидаларнинг 14- банди “д” кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, ЎзМУнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

Талабага қўлланилган интизомий жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан у норозилик билдириши ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда мурожаат этиши мумкин.

Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда хатти-ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва хатти-ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечикирилмай қўлланилади. Талабаларни касаллик вақтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиши ҳолати билан боғлик бўлган таътил вақтларида талабалар сафидан четлаштириш мумкин эмас.

Касаллиги туфайли дарсларга қатнашмаган талаба (ёки унинг отонаси) бир ҳафта муддатдан кечикирмасдан факультет раҳбариятига бу хақда хабар беради ва талаба ўқишига келган куни тиббий маълумотномани тақдим этади.

18. Талабалар томонидан ЎзМУ худуди ва хоналарида мобил телефонлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги 139-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби” тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

б) Тингловчилар

19. ЎзМУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ Марказида ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади. Тингловчиларнинг мақоми, хукуқ ва маъжбуриятлари, таълим ҳизматларини олиши ЎзМУда ишдан ажralган ҳолда таълим олаётган талабанинг мақоми билан тенглаштирилади.

Қайта тайёрлаш ва кадрлар малакасини ошириш тартиби,

тингловчиларни ўқитиши шартлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли норматив-хукуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

6) Катта илмий ходим- изланувчилар, мустақил изланувчилар:

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган Олий ўкув юритидан кейинги таълимга қўйиладиган “Давлат талаблари тўғрисида”ги Низомга биноан олий ўкув юритидан кейинги таълим - жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури ҳисобланади.

катта илмий ходимлар-изланувчилар институти - ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида илмий изланишлар олиб бориш бўйича ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар бўйича олий таълим муассасасидан кейинги таълим шакли.

мустақил изланувчилик - ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий таълим муассасасидан кейинги таълим шакли.

Олий таълим муассасаси магистратураси дипломига ёки унга тенг бўлган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари академияси, Ички ишлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати олий таълим муассасалари дипломига ёхуд фан номзоди илмий даражасига ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлган; камида икки йиллик илмий ёки илмий-педагогик иш стажига эга бўлган; илмий изланишлар ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш лаёқатига эга бўлган; олий таълим муассасасининг катта илмий ходим-изланувчилар институтига белгиланган тартибда қабул қилинган ва фан доктори илмий даражасини олиш учун илмий тадқиқот ишини олиб бораётган шахс - катта илмий ходим-изланувчи ҳисобланади.

Олий таълим муассасасига (кафедрага) бириклирилган, бакалавр ёки магистр дипломига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ёки Миллий хавфсизлик хизмати олий ҳарбий таълим муассасалари дипломига ёхуд фан номзоди илмий даражасига ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлган; камида беш йиллик амалий иш стажига эга бўлган; илмий изланишлар ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш лаёқатига эга бўлган ва фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахс – мустақил изланувчи ҳисобланади.

21. ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчилар институтига докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, фундаментал тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим ижтимоий-иктисодий ахамиятга эта бўлган илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятили, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган ёки олий маълумотли

мутахассис дипломига ёхуд магистр даражасига эга бўлган, илмий изланишлар ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш лаёқатига эга бўлган шахслар уч йиллик муддатга қабул қилинадилар.

Катта илмий ходим-изланувчилар институтида ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда амалга оширилади. Катта илмий ходим-изланувчиларнинг ўқиши уч йилдан ошмаслиги керак. Ўқиши муддати улар ишининг умумий стажига қўшилади.

Мустақил изланувчиликка бакалавр ёки магистр даражасига, ёки фан номзоди илмий даражасига, ёки олий ҳарбий маълумотга, ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий таълим тўғрисидаги дипломга, илмий изланишларга лаёқати бўлган ва муайян илмий ютуқларга эга бўлган (ихтиро учун патентлар, эълон қилинган илмий материалларга эга бўлган, илмий-технологик ишланмаларда иштирок этган ва ҳоказо), белгиланган талабларга мувофиқ бўлган шахслар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда уч йилга расмийлаштириладилар.

2) ЎзМУнинг педагог ходимлар таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимлари (персонали)

22. ЎзМУда педагог ходимлар, илмий ходимлар, муҳандислик-техника, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Педагог ходимлар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради.

23. Педагог ходимлар лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби” тўғрисидаги Низомга мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

24. ЎзМУнинг педагог ва илмий ходимлари қуидаги ҳуқуқларга эга:

белгиланган тартибда университет ва факультет Кенгашларига сайлаш ва сайданиш;

ЎзМУ нинг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

ЎзМУ ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

ўқитишининг услуг ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юкори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

ЎзМУ маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлиқ асосида ишлана (асосий иш берувчи билан келишилган ҳолда);

хорижий ҳамкасларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;

назарий билимларини, амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигига белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

25. ЎзМУ педагог ходимлар ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат ва технология интизоми, мазкур Устав ва Ички меҳнат тартиби қоидалари, Одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш; ўзининг хизмат вазифаларини вижданан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

иш жараёнида мулоқот қиласиган муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш;

иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

ўқув юкламалари ҳажмини, ўқув-услубий, илмий, ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

ўқув адабиётлар тайёрлаши, илмий мақолалар ёзиш;

тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда бевосита иштирок этиш;

Кенгаш томонидан тасдиқланган кафедра илмий мавзуларида иштирок этиш;

ўз малакасини ва илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

муассасанинг мол-мулкини авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

муассаса жамоат ишларида қатнашиш;

педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак қасбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;

чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини мунтазам ошириб бориш;

таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

ўзига бириктирилган талабалар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнак бўлиш;

кийиниш маданиятига риоя қилиш;

республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳонда рўй берадиган янгиликлардан хабардор бўлиш;

дарсларни юқори савияда ўтиш;

фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

ҳар ўқув йили бошлангунга кадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календар режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини (мажмуа) ишлаб чиқиши ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;

рейтинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;

талабалар билимини ҳолисона баҳолаш;

янги педагогик ва ахборот технологияларини дарс жараёнида қўллаш;

илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириб бориш;

талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш.

26. ЎзМУ педагог ходимлар таркибининг уч йилда камида бир маротаба қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

27. ЎзМУнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари муассаса Ички меҳнат тартиб қоидалари, Одоб-аҳлоқ қоидалари ва лавозим Йўриқномалари билан белгиланади.

IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий ишлар

28. ЎзМУ қуидаги йўналиш ва мутаҳассислар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади:

1) Олий таълим (бакалавриат ва магистратура):

a) Бакалавриат йўналиши:

Таълим йўналишлари шифри	Таълим йўналишларининг номи
5111306	Она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти ўзга тилли гурӯҳларда)
5111400	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими

5120100	Филология ва тилларни ўқитиши:
5120112	Филология ва тилларни ўқитиши: (инглиз тили)
5120113	Филология ва тилларни ўқитиши: (немис тили)
5120114	Филология ва тилларни ўқитиши: (француз тили)
5120102	Филология ва тилларни ўқитиши: (рус тили)
5120300	Тарих (мамлакатлар ва миңтақалар бўйича)
5120400	Археология
5120500	Фалсафа
5130100	Математика
5130200	Амалий математика ва информатика
5140100	Биология (турлари бўйича)
5140200	Физика
5140300	Механика
5140400	Астрономия
5140500	Кимё
5140600	География
5140700	Гидрометеорология
5140800	Геология
5140900	Геофизика
5141000	Тупроқшунослик
5141100	Гидрология (тармоқлар бўйича)
5210100	Социология
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)
5220100	Журналистика (фаолият турлари бўйича)
5220300	Архившунослик
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5231700	Кадрлар менежменти
5311500	Геодезия, картография ва кадастр (функциялари бўйича)
5330100	Ахборот тизимларининг математик ва дастурий таъминоти
5330200	Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

5330300	Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича)
5520100	Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан ишлаш)
5520101	Ижтимоий иш (пенсия таъминоти)
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

б) Магистратура мутахассисликлари

Шифр	Мутахассислик номи
5A111601	Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш услуби (маънавият асослари)
5A120102	Лингвистика (рус тили)
5A120102	Лингвистика (инглиз тили)
5A120301	Ўзбекистон тарихи
5A120302	Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)
5A120303	Давлат бошқаруви ва ҳудудий ўз-ўзини бошқарув (фаолият тури бўйича)
5A120304	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари (мамлакатлар бўйича)
5A120401	Археология
5A120402	Этнография, этнология, антропология
5A220301	Хужжатчилик, хужжатшунослик ва архившунослик
5A120501	Фалсафа тарихи (йўналишлар бўйича)
5A120502	Фалсафа (қўллаш соҳаси)
5A120503	Этика ва эстетика
5A120504	Онтология, гносеология ва логика
5A130101	Математика (йўналишлар бўйича)
5A130102	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
5A130201	Математик моделлаштириш ва сонли усуслар
5A130103	Дифференциал тенгламалар ва математик физика
5A130202	Амалий математика ва ахборот технологиялари
5A140101	Биология (фан йўналиши бўйича)
5A140102	Микробиология ва вирусология
5A140103	Ихтиология ва гидробиология
5A140104	Биотехнология
5A140105	Биофизика

- 5A140106 Биокимё
- 5A140107 Генетика
- 5A141001 Тупроқшунослик
- 5A141002 Экспериментал агрокимё
- 5A140202 Физика (йўналишлар бўйича)
- 5A140203 Гелиофизика ва қўёш энергиясидан фойдаланиш
- 5A140204 Конденсацияланган муҳит физикаси ва материалшунослик (турлар бўйича)
- 5A140205 Атом ядрои ва элементар заррачалар физикаси
- 5A140201 Назарий физика
- 5A140301 Назарий механика
- 5A140401 Астрономия (тадқиқот йўналишлари бўйича)
- 5A140501 Кимё (фан йўналиши бўйича)
- 5A140503 Нефть ва табиий газ кимёси ва технологияси
- 5A140502 Материаллар ва моддалар кимёси (материаллар бўйича)
- 5A140602 География (ўрганиш обьекти бўйича)
- 5A140701 Метеорология ва иқлимшунослик, агрометеорология (фаолият тури бўйича)
- 5A140702 Гидрометеорология (фаолият тури бўйича)
- 5A140801 Умумий ва худудий геология (фан йўналишлари бўйича)
- 5A140803 Геокимё, фойдали қазилмаларни қидиришнинг геокимёвий усуллари
- 5A140804 Минералогия, кристаллография, петрография
- 5A140806 Геологик съёмка ва фойдали қазилмалар конларини қидириш
- 5A140901 Геофизика, фойдали қазилмаларни қидиришни геофизик усуллари
- 5A141102 Гидрогеология (ўрганиш обьекти бўйича)
- 5A210101 Социология (йўналишлар бўйича)
- 5A210102 Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги
- 5A520101 Ижтимоий иш (оила ва болалар билан ижтимоий иш)
- 5A210201 Психология (йўналишлар бўйича)
- 5A220101 Журналистика (фаолият турлари бўйича)
- 5A220101 Олий журналистика курслари
- 5A220103 Телевидение ва радиоэшиттириш
- 5A220104 Ноширлик иши ва муҳаррирлик

- 5A230102 Иқтисодиёт (реал сектор)
- 5A520101 Ижтимоий иш (пенсия таъминоти)
- 5A311502 Геодезия ва картография (функциялари бўйича)
- 5A311701 Фойдали қазилмалар конларини геологияси, қидиув ва разведкаси (конлар турлари бўйича)
- 5A330204 Ахборот тизимлари(тармоқлар бўйича)
- 5A330101 Ахборот тизимларининг математик ва дастурий таъминоти
- 5A330201 Компьютер тизимлари ва уларнинг дастурий таъминоти (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- 5A330301 Криптография ва криптоанализ (йўналишлар бўйича)
- 5A330302 Ахборот хавфсизлиги (йўналишлар бўйича)

29. ЎзМУ таълимнинг асосий таълим дастурларини икки босқичда амалга оширади: бакалавриат ва магистратура.

Бакалавриат - таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавриат дастурини тутатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига асосан таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура - йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалавриат негизида, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистратура дастурини тутатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига асосан тайёрланган муайян мутахассислик бўйича «магистр» даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ; таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишини давом эттириш ҳукуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

30. ЎзМУда таълим жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, олий таълим муассасаси ректори (Ўқув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календарь ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

ЎзМУ томонидан таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуг ва воситаларини танлаш йўли билан талабаларга олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурый шароитларини яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари

билин таъминланади. ЎзМУнинг ижтимоий - иқтисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига, раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

31. ЎзМУда ўқув машғулотларининг қуидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, якка машғулот (амалий ижрочилик билан боғлиқ бўлган санъат йўналишларида), назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалаврлик битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 40 дақиқалик танаффусиз қўшма дарс соати (80 дақиқа) белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек ҳамда рус тили хисобланади. Белгиланган тартибда таълим инглиз тилида ҳам олиб борилиши мумкин.

32. Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигига давлат рўйхатидан ўтказилган Давлат таълим стандарти қўлланилади.

33. ЎзМУда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг назоратлари натижалари асосида якунланади.

Ўзлаштириш натижаларига кўра талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор бўйруғи асосида амалга оширилади.

Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2009 йил 11 июндаги 204-сон бўйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан 2009 йил 10 июля 1981-сон билан давлат рўйхатидан ўтган Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомга мувофиқ тартибга солинади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 5 июня 1963-сон билан рўйхатга олинган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 майдаги 160-сон бўйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битиравчиларининг якуний давлат аттестацияси” тўғрисидаги Низомга асосан битиравчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

34. ЎзМУда илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

35. Олий ўқув юртидан кейинги таълим:

катта илмий ходим-изланувчилар ихтисосликлари номлари

- 01.01.01- Математик анализ
- 01.01.02- Дифференциал тенгламалар ва математик физика
- 01.01.03- Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
- 01.01.04- Геометрия ва топология
- 01.01.05- Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
- 01.01.06- Алгебра
- 01.02.01- Назарий механика
- 01.02.04- Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси
- 01.02.05- Суюқлик ва газ механикаси
- 01.03.01- Астрономия
- 01.04.02- Назарий физика
- 01.04.04- Физик электроника
- 01.04.05- Оптика
- 01.04.06 Полимерлар физикаси
- 01.04.08 Атом ядрои ва элементар заррачалар физикаси, тезлаштирувчи техника
- 01.04.10- Яримўтказгичлар физикаси
- 02.00.01- Ноорганик кимё
- 02.00.02- Аналитик кимё
- 02.00.03- Органик кимё
- 02.00.04- Физик кимё
- 02.00.06- Юқори молекуляр бирикмалар
- 02.00.10- Биоорганик кимё
- 03.00.01- Биокимё
- 03.00.02- Биофзика ва радиобиология
- 03.00.04- Микробиология ва вирусология
- 03.00.05- Ботаника
- 03.00.06- Зоология
- 03.00.07- Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси
- 03.00.08- Одам ва ҳайвонлар физиологияси
- 03.00.09- Умумий генетика
- 03.00.12- Биотехнология
- 03.00.13- Тупроқшунослик
- 04.00.01- Умумий ва минтақавий геология
- 04.00.03- Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология
- 04.00.04- Гидрогеология ва муҳандислик геологияси
- 04.00.05- Палеонтология ва стратиграфия

- 04.00.06- Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари
- 04.00.08- Минералогия. Кристаллография
- 05.01.05- Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги
- 05.01.07- Математик моделлаштириш. Соңли усуллар ва дастурлар мажмуаси.
- 07.00.01- Ўзбекистон тарихи
- 07.00.04- Диншунослик. Ислом тарихи ва манбашунослиги
- 07.00.05- Археология
- 07.00.06- Этнография, этнология ва антропология
- 07.00.07- Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари
- 07.00.09- Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар тарихи
- 08.00.01- Иқтисодиёт назарияси
- 08.00.02- Макроиқтисодиёт
- 08.00.12- Минтақавий иқтисодиёт
- 09.00.01- Онтология, гносеология ва мантиқ
- 09.00.02- Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (соҳалар бўйича)
- 09.00.03- Фалсафа тарихи
- 09.00.04- Ижтимоий фалсафа
- 10.00.04- Европа, Америка ва Австралия мамлакатлари тили ва адабиёти
- 10.00.05- Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
Киёсий-адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик, лингвистик таржимашунослик
- 10.00.06- Журналистика
- 11.00.01- Табиий география.
- 11.00.02- Иқтисодий ва ижтимоий география
- 11.00.03- Куруқлик гидрологияси, Сув ресурслари. Гидрокимёси
- 11.00.06- Геодезия ва картография
- 13.00.01- Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент
- 13.00.02- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича)
- 13.00.06- Электрон таълим назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва босқичлари бўйича)
- 19.00.01- Психология тарихи ва назарияси. Умумий психология. Шахс психологияси.
- 19.00.05- Ижтимоий психология. Этнопсихологияси.
- 19.00.06- Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси.
- 22.00.01- Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари
- 22.00.02- Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

22.00.03- Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси

36. ЎзМУда олий ўкув юртидан кейинги таълим доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан тасдиқланган “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мутахассислари рўйхати”га мувофиқ тегишли вазирлик (идора) рухсати асосида катта илмий ходим-изланувчилик ва мустақил-изланувчилик орқали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, шунингдек фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун олий таълим муассасасига изланувчиларни бириктириш ишлари амалга оширилади.

37. ЎзМУда Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларда қуйидаги ихтисосликлар бўйича фан доктори илмий даражасини олиш учун ҳимоя ўтказилади:

16.07.2013.FM.01.01

01.01.01 - Математик анализ;

01.01.02 - Дифференциал тенгламалар ва математик физика;

01.01.05 - Эҳтимоллар назарияси ва математик анализ;

01.01.06 - Алгебра;

01.01.03 - Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика (бир марталик);

01.01.04 - Геометрия ва топология (бир марталик).

(физика-математика фанлари бўйича)

16.07.2013.K.01.02

02.00.01 - Ноорганик кимё;

02.00.02 - Аналитик кимё;

02.00.03 - Органик кимё;

02.00.04 - Физик кимё;

02.00.09 - Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш (бир марталик).

(кимё фанлари бўйича)

16.07.2013.B.01.03

03.00.04 - Микробиология ва вирусология;

03.00.08 - Одам ва ҳайвонлар физиологияси;

03.00.10 - Экология;

03.00.12 - Биотехнология;

03.00.11 - Гистология, цитология ва ҳужайра биологияси (бир марталик).

(биология фанлари бўйича)

16.07.2013.F.01.04

09.00.01 - Онтология, гноселогия ва логика;

09.00.02 - Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси;

09.00.03 - Фалсафа тарихи;

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа;

07.00.04 - Диншунослиқ. Ислом тарихи ва манбашунослиги (бир марталик);
17.00.06 - Маданият назарияси ва тарихи (бир марталик).
(фалсафа фанлари бўйича)

22.00.01 - Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари (бир марталик);
22.00.02 - Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи (бир марталик);
22.00.03 - Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси (бир марталик).

(социология фанлари бўйича)

22.12.2015.Tar.01.06

07.00.01 - Ўзбекистон тарихи;

07.00.03 - Жаҳон тарихи;

07.00.06 - Этнография, этнология ва антропология;

07.00.07 - Тарихшунос лик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари;

07.00.02 - Фан ва технологиялар тарихи (бир марталик);

07.00.09 - Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар тарихи (бир марталик).

(Тарих фанлари бўйича)

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1761-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 29 сентябрдаги 371-сонли буйруғи асосида Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази” ташкил қилинган. Мазкур тармоқ марказ давлат муассасаси ҳисобланиб ўз фолиятини Ўзбекистон Миллий университети қарор ва буйруқлари ҳамда ўзининг Устави асосида олиб боради.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2005-2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул қилиш” тўғрисидаги 2005 йил 02 июнь ПҚ 92-сонли қарорига асосан ЎзМУ қошида журналистика йўналиши бўйича 2-йиллик “Олий журналистика курси”га бошқа мутахассисликлар бўйича бакалавр даражасига ёки мутахассис дипломига эга бўлган ва журналистика соҳасида ўзининг ижодий маҳоратини кўрсата олган мутахассислар танлов асосида қабул қилинади. Олий журналистика курсида ўқиш тўлов-шартнома асосида олиб борилади ва битиравчиларга журналистика мутахассислиги бўйича магистрлик дипломи берилади.

40. ЎзМУ илмий тематик режалар бўйича, бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган холда талабалар, катта илмий ходим-изланувчиларни кенг жалб этиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

Илмий тадқиқотлар қуидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан хорижий ташкилотлар маблағлари.

V. ЎзМУ тузилмаси (таркиби)

41. ЎзМУ таркибига қуидагилар киради:

a) Факультетлар:

1. Биология факультети
2. Геология ва география факультети
3. Журналистика факультети
4. Иқтисодиёт факультети
5. Кимё факультети
6. Математика факультети
7. Тарих факультети
8. Ижтимоий фанлар факультети
9. Физика факультети
10. Хорижий филология факультети

Факультет ЎзМУнинг ўқув-илмий ва маъмурий тармоғи ҳисобланиб, тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича талаба, магистрлар ва катта илмий ходим-изланувчиларни тайёрлаш ҳамда тегишли соҳаларнинг раҳбар ходимлари, мутахассислари малакасини ошириш, шунингдек, кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва факультетга оид бошқа таълим ишларини амалга оширади.

Факультет ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасаси факультети” тўғрисидаги Низомга асосан амалга оширади.

б) Кафедралар :

1. Биокимё ва тизимли биология
2. Физиология ва нейробиология
3. Генетика ва компьютер биологияси
4. Микробиология
5. Тупроқшунослик
6. Зоология
7. Ботаника

8. Экология ва эволюцион биология
9. Биофизика
10. Биотехнология
11. Геология
12. Геокимё ва минералогия
13. Геофизикавий тадқиқот усуллари
14. География
15. Геодезия ва картография
16. Гидрология ва гидрогеология
17. Геодинамика ва тектоника
18. Матбуот назарияси ва тарихи
19. Оммавий алоқалар назарияси ва тарихи
20. Услубият ва таҳрир
21. Рақамли оммавий ахборот воситалари
22. Иқтисодиёт назарияси
23. Минтақавий иқтисодиёт
24. Макроиқтисодиёт
25. Эконометрия ва иқтисодий моделлаштириш
26. Органик кимё
27. Полимерлар кимёси
28. Табиий бирикмалар кимёси
29. Физикавий кимё
30. Умумий ва ноорганик кимё
31. Аналитик кимё
32. Квант ва компьютер кимёси
33. Амалий математика ва компьютер таҳлили
34. Дифференциал тенгламалар ва математик физика
35. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
36. Механиканинг назарий асослари
37. Алгоритмлар ва дастурлаш технологиялари
38. Математик моделлаштириш ва қриptoанализ
39. Геометрия ва топология
40. Алгебра ва функционал анализ
41. Математик анализ
42. Археология
43. Жаҳон тарихи
44. Манбашунослик ва архившунослик
45. Ўзбекистон тарихи
46. Социология

47. Демократик давлат қуриш назарияси ва амалиёти
48. Маънавият асослари ва диншунослик
49. Педагогика
50. Фалсафа ва мантиқ
51. Этика ва эстетика
52. Психология
53. Миллий ғоя
54. Астрономия ва атмосфера физикаси
55. Яримўтказгичлар ва полимерлар физикаси
56. Умумий физика
57. Фотоника
58. Назарий физика
59. Материалшунослик физикаси
60. Биотиббиёт физикаси
61. Конденсирланган ҳолатлар физикаси
62. Қуий энергиялар физикаси
63. Немис филологияси
64. Қиёсий тилшунослик
65. Инглиз филологияси
66. Жаҳон адабиёти
67. Рус филологияси
68. Француз филологияси
69. Инглиз тили
70. Жисмоний тарбия
71. Ўзбек тили ва нутқ маданияти
72. Тиббий тайёрлов бўлими

Кафедра факультетлар тузилишидаги бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув, илмий- услубий, маънавий-маърифий ишларни олиб борувчи, илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрловчи ҳамда уларнинг малакасини оширувчи асосий тузилма ҳисобланади.

Кафедралар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасаси кафедраси” тўғрисидаги Низомга асосан амалга оширади.

в) Илмий лабораторияларнинг номлари

1. Функционал полимерлар кимёси
2. Макроциклик бирикмалар кимёси
3. Табиий бирикмалар кимёси
4. Полимерлар кимёси
5. Кукусимон полимерлар кимёси
6. Мембранные биофизикаси
7. Фўза генетикаси

8. Биотехнология
9. Биокимё ва ўсимликлар физиологияси
10. Вирусология
11. Тупроқшунослик
12. Экспериментал зоология
13. Стратиграфия ва чиқинди жинслар литологияси
14. Гидрогоеэкология
15. Палеомагнитизм
16. Магматизм ва геодинамика
17. Минералогия
18. Регионал геофизика
19. Қаттиқ жисмлар тузилмаси ва хоссалари
20. Кўп заррачали тизимлар физикаси
21. Фанларо технологиялар
22. Оптик жараёнлар физики
23. Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника
24. Элементлар таҳлили ва спектроскопияси
25. Социологик тадқиқотлар

Илмий лабораториялар назарий билимларни амалда қўллаш, илмий тадқиқот олиб бориш усулларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш кўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди.

г) ЎзМУнинг ташкилий тузилмаси қўйидаги маъмурий бошқарув ва бўлимлардан иборат:

1. Ректор, ЎзМУ Кенгashi
2. Ўқув ишлари бўйича биринчи проректор
3. Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор
4. Илмий ишлар бўйича проректор
5. Молия-иқтисодиёт ишлари бўйича проректор
6. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор
7. Ректор ёрдамчиси
8. Юрисконсульт (Хуқуқшунос-маслаҳатчи)
9. Илмий Кенгаш илмий котиблари
10. ЎзМУ Кенгashi котиби
11. Котиб-иш юритувчи
12. Ўқув-услубий бошқарма
13. Кадрлар бўлими
14. Магистратура бўлими
15. Ахборот ресурс маркази
16. Ахборот технологиялари маркази
17. Илмий-ўқув музейлар

18. Факультетлараро умумтаълим кафедралари
 19. Маънавият ва маърифат хамда иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими.
 20. Талабалар турар жойи дирекцияси.
 21. Спорт комплекси
 22. Маданият саройи
 23. Илмий тадқиқот ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш бўлими
 24. Тахририят-нашриёт бўлими
 25. Ўқув-илмий тажриба базаси-Ботаника боғи
 26. Илмий-тадқиқот бўлими
 - 27.. Молия-иқтисодиёт бўлими
 28. Ҳисоб-китоб бўлими
 29. Эксплуатацион-техник ва хўжалик бўлими
 30. Фуқаро мудофааси ва меҳнат муҳофазаси бўлими
 31. Ўқитишнинг техник воситалари бўлими
 32. Автоматлаширилган телефон станцияси
 33. Криоген станцияси
 34. Босмахона
 35. Академик лицей ва касб-хунар коллежлар билан ишлаш бўлими
 36. Олий журналистика курси
 - 37.Математика институти
 38. Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази
 39. Халқаро алоқалар бўлими
 40. Мониторинг ва ички назорат бўлими
 41. Маркетинг ва битиравчиларни иш билан таъминлаш бўлими
 - 42.Девонхона ва архив
 43. Биринчи ва иккинчи бўлим
 44. Ҳарбий кафедра
 45. Бош муҳандис
 46. Бош энергетик
 47. Бош механик
 48. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази
 49. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича малака ошириш бўйича таянч ўқув маркази
 50. “Оқсоқ-ота” ўқув-амалиёт базаси
 51. “Чорбоғ” ўқув-амалиёт базаси
 52. “Бурчмулла” радиофизика ўқув полигони
- д) **ЎзМУ қошида:** С.Х. Сирожиддинов, 2-сонли Олмазор академик лицейи, Зангиота номларидағи 3 та академик лицей фаолият кўрсатади.
- С.Х. Сирожиддинов номидаги академик лицей 1998 йилда ташкил

этилган. Лицейда 4 та йўналиш бўйича ўқиши ташкил этилган.

2-сонли Олмазор академик лицейи 1999 йилда ташкил этилган. Лицейда 4 та йўналиш бўйича ўқиши ташкил этилган.

Зангиота академик лицейи 2009 йилда ташкил этилган. Ушбу лицейда 3 та йўналиш бўйича ўқиши ташкил этилган.

е) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Буюк Британиянинг Кембридж университети ўртасида 2011 йил 27 июлда ҳамкорлик Меморандуми тузилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 26 октябрдаги ПҚ-1631 сонли қарорига мувофиқ ЎзМУ ҳудудида Буюк Британиянинг Кембридж университети иштирокида Юқори технологиялар Маркази ташкил қилинган. Марказнинг асосий мақсади олим ва талаба ёшларни илмий изланишларга йуналтириш, инновацион ғоя ва юқори технологияларни амалиётга тадбиқ этиш. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, тегишли меъёрий хужжатлар ва ўз Устави асосида амалга оширади.

ж) “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг тузилмаларини янада оптималлаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 февралдаги 33-сонли қарори асосида Ўзбекистон Миллий университети тасарруфида “Математика” институти ташкил этилган. Мазкур институт муассасаси ҳисобланиб ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, тегишли меъёрий хужжатлар ва ўзининг Устави асосида амалга оширади.

з) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда республика академик илм-фани ва олий таълимининг интеграциясини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2204-сонли қарори ҳамда ЎзМУ ректорининг 2014 йил 7 августдаги 01-279-сонли буйруғи асосида ЎзМУ қошида Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган. Мазкур институт муассасаси ҳисобланиб ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, тегишли меъёрий хужжатлар ва ўзининг Устави асосида амалга оширади.

и) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 марта “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича малакасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 73-сон қарори асосида ЎзМУ қошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари мажмуасининг фан, таълим ва ёшлар сиёсати соҳаларида фаолият олиб бораётган ходимлар малакасини ошириш таянч ўқув маркази ташкил этилган. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, тегишли меъёрий хужжатлар ва ўзининг Устави асосида амалга оширади.

к) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Миллий университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги 2016 йил 11 майдаги ПҚ-2527-сонли қарорига биноан тутатилаётган Ядро физикаси институтининг тегишли лабораториялари Миллий университет Физика факультетининг структурасига мутахассислик кафедралари ва лабораториялар сифатида киритилди.

VII. Олий таълим муассасасини бошқариш

42. ЎзМУни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ якка раҳбарлик ва олий таълим муассасасининг Кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

43. ЎзМУни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 март Ф-137-сонли фармойишида белгиланган тартиб асосида тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор ЎзМУ фаолиятига, шунингдек, ЎзМУнинг Ички-меҳнат тартиб қоидалари, Одоб-ахлоқ қоидалари, Олий таълим тўғрисидаги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олий таълим муассасаси номидан иш олиб боради барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, олий таълим муассасасининг мол-мулкига масъуллик қиласи, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида ЎзМУнинг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

Ректор университетнинг ваколати доирасида:

ЎзМУнинг барча ҳодимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда факультет деканлари ва бош бухгалтерни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қиласи;

ЎзМУ проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;

ЎзМУ ҳодимлари ва хизматчиларини, шунингдек илмий-педагогик ҳодимларини Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;

ЎзМУнинг штат ҳажми катталиги сабабли раҳбар ҳодим бўлмаган ўқув, илмий, хўжалик ёрдамчи ҳодимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишни меҳнат қонунчилигига белгиланган тартибда тегишли йўналишлар бўйича проректорлар ҳам амалга оширишлари мумкин.

ЎзМУ таркибига кирган илмий тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди:

ЎзМУ ҳодимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва

қўшимчаларни белгилайди;

ЎзМУ нинг ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмиталари билан келишган ҳолда Ички меҳнат тартиб қоидаларини тасдиқлайди;

ЎзМУ нинг амалдаги қонун хужжатлари ёки Вазирликнинг норматив-хукуқий хужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қиласди;

ЎзМУда намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳаки фонди, тасдиқланган ЎзМУ ходимларининг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби ва ЎзМУнинг- штат бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

ЎзМУ Кенгашининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив-хукуқий хужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш (ташкил этиш) ёки ёпиш (тугатиш) қарорларини тасдиқлайди.

“Олий таълим муассасасининг кафедраси” тўғрисидаги Низом талабларидан келиб чиқсан ҳолда ЎзМУ Кенгашининг тавсиясига кўра кафедралар ташкил этилади ёки тугатилади.

ЎзМУ ректорига ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарлиқдан ташқари) ўриндошлиқ бўйича ишлашга рухсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлиқ бўйича бажариши мумкин эмас.

44. Олий таълим тўғрисидаги Низомга мувофиқ ЎзМУ фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун Кенгаш ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон Қарорининг 2-банди ва ЎзМУнинг 2013 йил 04 февралдаги 01-27-сонли буйруғи асосида Ўзбекистон Миллий университетининг Илмий кенгашши университет Кенгashi ва факультетлар Илмий кенгашлари факультет Кенгashi деб номланди.

Низом бўйича Кенгаш таркибига ректор киради ва Кенгаш раиси ҳисобланади, шунингдек, проректорлар, етук мутахассислар, факультетлар деканлари, университет таркибига кирувчи ташкилот ва тармоқлар раҳбарлари, мутахассис тайёрловчи кафедралар мудирлари, университет талabalari ва ходимлари, касаба уюшмаларининг вакиллари киради. Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Кенгашга сайланувчи аъзоларнинг сони ректор буйруғи билан белгиланади. Кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг Кенгashi тўғрисидаги Низом” асосида ишлаб чиқилган ва ЎзМУ ректори томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Миллий университети Кенгashi” тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

45. ЎзМУда Касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни

талабалар ва ходимлар - касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда уларнинг ЎзМУда сайланган органлари амалга оширади. Талабалар ва ходимлар ваколат органларининг ҳукуқлари ва уларга нисбатан ЎзМУ маъмуриятининг мажбуриятлари қўйидагилардир:

Касаба уюшмаси ҳукуқлари:

университетни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга доир масалаларни кўриб чиқишида қатнашиш;

ЎзМУ профессор-ўқитувчилари, ходимлари, талабаларига моддий ёрдам кўрсатиш ва рағбатлантиришни ташкил этиш;

музокаралар олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувлари тузиш; жамоа аъзоларидан келган шикоят, аризаларни кўриб чиқиш;

мехнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш ва қонунчиликда белгилangan бошқа ҳукуқлардан фойдаланиш.

Университет мажбуриятлари:

Ходимларнинг ваколатли органи сифатида касаба уюшма қўмитасини ҳукуқларига риоя қилиш ва унинг фаолиятига қўмаклашиш;

Ходимлар ва талабалар манфаатларига тааллуқли бўлган қарорларни қабул қилишдан олдин уларнинг вакиллик органлари билан маслаҳатлашиш, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатилган ҳолларда эса, уларнинг розилигини олиш;

ходимларнинг вакиллик органларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

ЎзМУда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, инсон ҳукуқлари бўйича вакил, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоа ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Амалдаги низомларга мувофиқ ЎзМУда илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин.

Ректорат ва Кенгаш ўз фаолиятида олий таълим муассасаси жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва ўз фаолиятларида уларни ҳисобга олади.

46. ЎзМУ таълим фаолиятини йўналишлар бўйича бошқариш ўқув ишлари, маънавий-маърифий, илмий ишлар, молия ва иқтисодиёт ишлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлар билан ишлаш бўйича проректорлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 март Ф-137-сонли фармойишига мувофиқ олий таълим муассасасининг проректори ректор тавсиясига кўра Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда тайинланади. Проректорлар ваколатлари ЎзМУ Ички-меҳнат тартиб қоидалари, Одоб-аҳлоқ қоидалари ва олий таълимга оид бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

47. ЎзМУнинг факультетини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ректор томонидан тайинланадиган декан бошқаради.

Факультет декани ўз фаолиятида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг факультети” тўғрисидаги Низомга амал қилади.

“Олий таълим муассасасининг факультети” тўғрисидаги Низомга мувофиқ факультетда Кенгаш ташкил этилиши мумкин.

Кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантирилиши ва фоалиятининг тартиби “Олий таълим муассасаси факультетининг Кенгashi” тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида ЎзМУ Кенгashi томонидан сайланадиган мудир раҳбарлик қилади.

Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедранинг фаолияти “Олий таълим муассасасининг кафедраси” тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

VII. Молия - хўжалик фаолияти ва моддий-техник база

48. ЎзМУга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш хукуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан бинолар, иншоотлар, мулкий мажмуалар, ЎзМУ паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган. ЎзМУ фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва ҳусусийлаштириладиган объектлар қаторига киритилган.

ЎзМУга ажратилган ер участкалари ЎзМУга муддатсиз текин фойдаланиш учун бириктирилган.

49. ЎзМУга жисмоний ва юридик шахслардан совға, хадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкий объектларга, олий таълим муассасаси фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинадиган мулкий объектларга эгалик қилиш хукуқи берилган.

50. ЎзМУ мол-мулкни ижарага олувчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш хукуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ олий таълим муассасаси ўзига бириктирилган ижарага берилиши қонун хужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни кенгашнинг розилиги билан тасарруф этиш хукуқисиз, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара хақи сифатида олинган маблағлар таълим жараёнини таъминлаш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади.

51. ЎзМУ нинг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет

маблағлари, давлат томонидан белгиланган нормативлардан келиб чиқсан холда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов - шартнома асосидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

52. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси 7-бандига мувофиқ олий таълим муассасаси уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли. ЎзМУ асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириш мумкин. Олий таълим муассасаси шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак. ЎзМУда пулли таълим хизматлари кўрсатилиши, шунингдек илмий-тадқиқот изланишларга қаратилган илмий-ишлаб чиқариш корхоналар, хўжалик жамиятлар ташкил қилиниши мумкин.

ЎзМУ ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида катнашиш, пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш хуқуқига эга.

ЎзМУнинг пуллик таълим хизматлари кўрсатишни бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидаги таълим фаолияти доирасида ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

ЎзМУ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қиласди.

53. ЎзМУда лавозим маошлари меҳнат шарномаси (битими) тузилаётганда “Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига хақ тўлаш”тўғрисида Низом ва меҳнатга хақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланади, ЎзМУ ходимига лавозим маоши (ставка), ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. 1 қўшимча маош, устами ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини университет мустақил, иш хақи фонди доирасида қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

Белгиланган маошлар аттестация натижасига кўра фақат уни ошириш мақсадида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

ЎзМУда ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналар ажратилади ва уларнинг тозалигини таъминлаш ташкил этилади.

54. ЎзМУ қошидаги тиббий-санитар муассасасига, шунингдек унинг ҳудудида жойлашган ёки ЎзМУнинг балансида бўлган ҳамда талаба, тингловчи ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан

жиҳозланган хоналар ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 06 ноябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган “Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар” тўғрисидаги Низомга асосан овқатланиш ошхона, буфет, кафетерий, кафе (ёзги кафе), чойхона ва кичик ошхоналарда белгиланган санитария –гигиена талабларига кўра ва шарт-шароитлар яратилган ҳолда ЎзМУ томонидан ташкил этилиб амалга оширилади. Шунингдек, университет томонидан овқатланишни ташкил этмаган ҳолда, университетга қарашли умумий овқатланиш жойлари ЎзМУ Кенгаши қарори асосида қонунчиликда ва мазкур Низомда белгиланган тартибда ижарага берилиши мумкин.

ЎзМУнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

VIII. Ҳалқаро ҳамкорлик

55. ЎзМУ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу Уставда назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек ҳалқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташки иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаси илмий - педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий - тадқиқотчилик ишлари давлатларапо органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек ЎзМУнинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

56. ЎзМУ қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳалқаро нодавлат ташкилотларга кириш;

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари деб қараланиш мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;

хорижий шериклар иштирокида олий таълим муассасасининг таркибий бўлинмалари (марказлар, лабораториялар, техник саройлар ва бошқа бўлинмалар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 33-моддасига мувофиқ таълим муаммолари юзасидан ҳалқаро ҳамкорликда иштирок этиш, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан кўшма ўқув юртлари ташкил этиш;

ЎзМУ Кенгашининг қарорига биноан хорижий давлатларнинг олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги тузилган шартномалар асосида Ўзаро манфаатли илмий тадқиқотлар ўтказиш, факультет, кафедралар

ташкил этиш, илмий тадбирлар ўтказиш;

ЎзМУ ва хорижий давлат олий ўқув юртлари талабалари, катта илмий ходим-изланувчилари, педагогик ва илмий ходимлари билан икки томонлама алмашиш дастурларини ташкил этиш.

ЎзМУ ходимлари ва таълим олувчиларнинг чет элга хизмат сафарлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2005 йил 13 апрель 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом ва ЎзМУ “Халқаро алоқалар Кенгаши” қарори билан “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориши тартиби тўғрисида”ги Йўриқномалар асосида амалга оширилади. ЎзМУ деканлари, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилари, талабаларини (бакалавр ва магистр) хорижий сафарларга юбориши ўрнатилган тартибда ЎзР ОЎМТВ руҳсати билан амалга оширилади.

57. ЎзМУнинг ташқи иқтисодий фаолиятидан тушган валюта, моддий тушумлари қонунчиликка биноан унинг Уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

IX. Якуний қоидалар

58. ЎзМУ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига белгиланган тартибда қўйидагиларга жавобгар ҳисобланади:

унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;

таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;

таълим жараёни вақтида ЎзМУ да таълим олувчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи;

таълим олувчилар ва ЎзМУ ходимларининг хуқуқ ва эркинликларнинг бузилганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган бошқа ҳатти-ҳаракатлар.

59. ЎзМУ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

60. ЎзМУ Уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур Устав Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашининг 2016 йил 20 майдаги мажлисида (4-рақамли баённома) муҳокама қилинган.